

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2017 йил . 8 - ноябрь № ПҚ-3380 20 г.

“Ўзбеккўмир” АЖ ва “Шарғункўмир” АЖни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибига ўтказиш ҳамда кўмир саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўмир саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва унинг корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 26 июлдаги ПП-3147-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда кўмир саноати корхоналарининг молиявий барқарорлигини оширишга доир тадбирларни ўз вақтида бажариш мақсадида:

1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

“Ўзбекэнерго” АЖга тегишли “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Шарғункўмир” АЖнинг акциялари пакетларини “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг устав капиталига давлат хиссаси сифатида белгиланган тартибда баланс қиймати бўйича топшириш;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан жамиятларнинг акцияларини бошқа акциядорлардан қонунчиликда белгиланган тартибда бозор қиймати бўйича харид қилган ҳолда “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Шарғункўмир” АЖни унитар корхоналар этиб қайта ташкил этиш;

“Ўзбеккўмир” АЖга қаршли ҳудудий дистрибьюторлик марказларининг 13 та унитар корхоналарини тугатиш, кейинчалик кўмир омборларини “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қаршли “Темирйўл ёнилгитаъмин” бошқармасига топшириш;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қарашли “Темирйўлөнилгитаъмин” бошқармасининг бирлашган ёқилги-омборхона хўжаликлари негизида аҳолини, бюджет ташкилотларини, иктисодиёт тармоклари корхоналарини кўмир махсулоти билан таъминлаш учун кўмир омборхоналари ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. “Ўзбекэнерго” АЖ (У.М.Мустафоев) Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат кўмитаси (Р.А.Ғуломов) билан биргаликда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг устав капиталига давлат улушини кўпайтириш ҳисобига берилаётган “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Шарғункўмир” АЖнинг “Ўзбекэнерго” АЖга тегишли акциялари пакетларининг баланс қиймати суммаси миқдорида “Ўзбекэнерго” АЖнинг устав капитали камайтирилишини таъминласин.

3. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қарашли “Ўзбеккўмир” УКнинг бошқарув ходимлари чекланган сони 57 нафардан иборат ижро этувчи аппарати тузилмаси 1-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисига, зарур ҳолларда, “Ўзбеккўмир” УКнинг ижро этувчи аппарати тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, “Ўзбекэнерго” АЖ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш давомида тузилган амалдаги битимлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича мажбуриятларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кўмир таннархини пасайтириш ва кўмир саноатини янада ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2003 йил 7 августдаги 342-сонли қарори билан ташкил этилган Кўмир саноатини техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан сўндиришни амалга оширади, 2-иловага мувофиқ, кредитлар сўндирилгандан кейин мазкур бандда кўрсатилган Жамғарманинг амал қилиши тўхтатилади.

10. Белгилансинки:

“Ўзбеккўмир” УК ва “Шарғункўмир” УК энергия манбаларининг нархлари (тарифлари) қайта кўриб чиқилгунга қадар кўмир тармоғи ташкилотлари томонидан олинаётган электр энергия учун ҳақ тўлашни

Х тариф гуруҳи бўйича қонунчиликка мувофиқ ҳужалик эҳтиёжлари учун белгиланадиган энергия тизими тарифлари асосида амалга оширади;

3-иловага мувофиқ, “Ўзбекқўмир” АЖ томонидан жалб этилган кредитлар бўйича берилган “Ўзбекэнерго” АЖнинг ишончномалари белгиланган тартибда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қайтадан расмийлаштирилади.

11. 2017-2018 йиллар куз-киш даврида қўмир қазиб чиқариш ва республика бўйича етказиб беришнинг режа-жадвали 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқарувчи раиси А.Ж.Раматов, “Ўзбекқўмир” УК, “Шарғунқўмир” УК раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ҳокимлари зиммасига:

куз-киш даврида аҳолига ҳамда бюджет ташкилотларига ушбу қарор билан тасдиқланган ҳажмларда қўмир маҳсулотини ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилишини;

қўмир маҳсулотини етказиб беришнинг барча босқичларида унинг сақланишини;

бюджет ташкилотлари учун қўмир маҳсулотига нарх белгиланиши даражаси, аҳолига сотиладиган қўмирнинг чакана нархига риоя этилиши, шунингдек, уларнинг асоссиз равишда қимматлашиб кетишининг олдини олиш ва чек қўйиш чоралари қўрилиши ўстидан самарали назоратни таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Маълумот учун қабул қилинсинки:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, унитар корхоналар этиб қайта ташкил этилаётган “Ўзбекқўмир” АЖ ва “Шарғунқўмир” АЖ, улар топширилгунга ва қайта ташкил этилгунга қадар амалда бўлган барча ҳуқуқлар, мажбуриятлар, имтиёзлар ва афзалликлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланадилар;

“Ўзбекқўмир” УК ва “Шарғунқўмир” УК объектларини қўриқлаш “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси кучлари томонидан амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Республика Президентининг ““Шарғунқумир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошқумир казиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 13 январдаги ПП-2727-сонли қарорига 5-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўмир саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва унинг корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 26 июлдаги ПП-3147-сонли қарорининг 3-банди, шунингдек, унинг 1- ва 2-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (А.С.Шукуров), “Ўзбекэнерго” АЖ (У.М.Мустафоев) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж.Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раиси А.С.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Р.А.Ғуломов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

* Иловалар рус тилидаги матида берилган.